


II. КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уларнинг фаолияти учун қулай муҳит яратиш борасида амалга оширилаётган тадбирлар натижасида 2017 йилнинг январь–декабрида 3894 та кичик бизнес субъектлари (деҳқон ва фермер хўжаликларисиз) ташкил этилиб (2016 йилнинг шу даврига нисбатан 132,9% кўпдир), уларнинг сони 25128 тага етди.

Янги ташкил этилган кичик бизнес субъектлари сонининг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши
2017 йил январь–декабрь ҳолатига (жамига нисбатан фоизда)



Энг кўп кичик бизнес субъектлари саноат тармоғида (жами ташкил этилган субъектларнинг 27,0%), қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида (21,1%), савдо соҳасида (19,5%) ва қурилишда (8,3%) ташкил этилган.

2017 йилнинг январь–декабрида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан:

2017 йил январь–декабрда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 57,3% (2016 йил январь–декабрда 58,3%) кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди.

- 992,6 минг нафар кишининг бандлиги таъминланди (жами иқтисодиётда

банд бўлганларнинг 77,0%), шу жумладан банд бўлганларнинг 823,0 минг нафари якка тартибдаги тадбиркор, 169,6 минг нафари кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келди;

- саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 6230,6 млрд. сўми (жами саноат ишлаб чиқаришининг 29,6%) ёки 2016 йилнинг январь-декабрга нисбатан ўсиш суръати 102,9% ташкил қилди;

- 8176,3 млрд. сўмлик қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиklarининг ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) ташкил қилиб, ўсиш суръати 100,5% (қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлари ялпи маҳсулотининг 97,7%) ташкил қилди;

- 1678,1 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 39,0%) ўзлаштирилди ва 2016 йилнинг январь-декабрга нисбатан 103,3% ташкил қилди;

- 1447,2 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 79,2%) бажарилди ва 2016 йилнинг январь-декабрга нисбатан 108,1% кўпайди;

- автомобил транспорти юк айланмасининг 121,0% (вилоят жами автомобил транспорти юк айланмасининг 22,7%), йўловчи айланмасининг эса 118,8% (умумий йўловчи айланмасининг 6,5%) кўпайиши таъминланди;

- чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 89,1% ёки 9965,2 млрд. сўм (ўсиш 101,3%) ва хизматлар умумий ҳажмининг, мос равишда 76,2% ёки 1407,6млрд. сўми (ўсиш 104,1%) шакллантирилди;

- 276,4 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 19,7%) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, 729,9 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 44,9%) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди.

2017 йилнинг январь-декабрда кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги хусусий тадбиркорликнинг (фуқаролар мулки) улуши

| | <i>Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм</i> | <i>Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, % ҳисобида</i> |
|---------------------------------|--|---|
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 8176,3 | 99,8 |
| Саноат | 6230,6 | 28,2 |
| Қурилиш | 1447,2 | 75,7 |
| Чакана савдо | 9965,2 | 79,1 |
| Юк ташиш, млн т | 37,6 | 10,1 |
| Йўловчи ташиш, млн.киши | 79,1 | 6,2 |
| Экспорт, млн. АҚШ долл. | 276,4 | 0,3 |
| Импорт, млн. АҚШ долл. | 729,9 | 2,1 |

Ялли ҳудудий маҳсулот ва иқтисодиёт тармоқлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик (бизнес) улушининг ўзгариши (умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)

